

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**АЛИЖАНОВ АБРОР АЛИЖОН ЎҒЛИ**

**ҚОРИН ПАРДА ОРТИ АЪЗОЛАРИ ЁПИҚ ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА  
ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Алижанов Аброр Алижон ўғли**

Қоринпарда орти аъзолари ёпиқ шикастланишларида ташхислаш ва хирургик даволашни такомиллаштириш..... 3

**Алижанов Аброр Алижон угли**

Совершенствование диагностики и хирургического лечения закрытой травмы органов забрюшинного пространства..... 35

**Alijanov Abror Alijon ugli**

Improving the diagnosis and surgical treatment of closed trauma of the retroperitoneal organs..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 70

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**АЛИЖАНОВ АБРОР АЛИЖОН ЎҒЛИ**

**ҚОРИН ПАРДА ОРТИ АЪЗОЛАРИ ЁПИҚ ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА  
ТАШХИСЛАШ ВА ХИРУРГИК ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

**Тошкент – 2025**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib2022 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.emerg-centre.uz](http://www.emerg-centre.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Хаджибаев Абдухаким Муминович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оponentлар:</b>	<b>Миннуллин Ильдар Пулатович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Туляганов Даврон Бахтиярович</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/3012.2019.Tib.63.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «29» 12 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 1504600; факс: (+99878) 1504605; E-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru)).

Диссертация билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел.: (+99878) 1504600; факс: (+99878) 1504605.

Диссертация автореферати 2025 йил «15» 12 кун тарқатилди.  
(2025 йил «15» 12 даги 14 -рақамли реестр баённомаси).



**Д.А.Алимов**  
Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Х.Э.Аливаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

**Б.К. Алтнев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё амалиётида қорин бўшлиғи жароҳатларининг 15-20% гача бўлган қисмини қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатлари (ҚОБАЁЖ) ташкил қилади ва улар шошилиш жарроҳлик амалиётида жиддий муаммо ҳисобланади<sup>1</sup>. Ташхисот ва даволаш соҳасида катта ютуқларга эришилганига қарамай, ушбу патологияда диагностик хатолар даражаси 30-40% гача етгани холда юқори бўлиб қолмоқда, бу эса касалликнинг эрта босқичларида яққол намоён бўлган клиник белгиларнинг йўқлиги билан боғлиқ. Бу ҳолат ташхиснинг кеч қўйилишига, оғир асоратларнинг ривожланишига ва ўлим кўрсаткичининг ортишига олиб келади, чунки ўз вақтида жарроҳлик аралашуви амалга оширилмаган ҳолларда ўлим даражаси 50% гача етиши мумкин<sup>2</sup>.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили жароҳатлар ўлим сабаблари орасида учинчи ўринни эгаллайди ва тахминан 5,8 миллион ўлимга олиб келади. Улардан катта қисми ички аъзоларнинг, жумладан қоринпарда орти бўшлиғи аъзоларининг оғир шикастланишлари ҳиссасига тўғри келади. Бундай жароҳатлар меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларда энг кўп учрайди, бу эса муаммони нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимизда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида (РШТЁИМ) олиб борилган тадқиқотларга кўра, абдоминал жароҳатлар туфайли бажариладиган шошилиш жарроҳлик амалиётлари структурасида қоринпарда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатлари 17,4% ни ташкил қилади. Шу билан бирга, маълумки, қоринпарда орти бўшлиғи жароҳатлари қорин бўшлиғи аъзолари шикастланишлари орасида энг юқори ўлим кўрсаткичларига эга. Қоринпарда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларини ташхислаш алгоритмларини такомиллаштириш, каминвазив жарроҳлик усулларини жорий этиш ва даволашнинг индивидуаллаштирилган тактикаларини ишлаб чиқиш замонавий шошилиш тиббиёт ва травматологиянинг долзарб йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги ПҚ-283-сон «Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ва 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup>Petrone P. et al. Approach and management of traumatic retroperitoneal injuries //Cirugía Española (English Edition). – 2018. – Т. 96. – №. 5. – С. 250-259.

<sup>2</sup>Navsaria P., et al. Retroperitoneal haematoma and injury // Abdominal Trauma, Peritoneum, and Retroperitoneum. – Oxford: Oxford University Press, 2022. – С. 41–С4.Р63. – DOI: 10.1093/med/9780192862433.003.0004.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** қоринпарда орти бўшлиғи аъзоларининг жароҳатлари – буйраклар, ошқозон ости бези (ОБ), ўн икки бармоқли ичакнинг ретроперитонеал қисми (ЎБИ), тўғри ичакнинг қорин орти бўлимлари ва қон томирларининг ёрилиши каби ҳолатлар кўпинча симптомсиз ёки минимал клиник белгилар билан кечади. Ультратовуш текшируви (УТТ), компьютер томографияси (КТ) ва магнит-резонанс томографияси (МРТ) каби стандарт ташхис усуллари, айниқса шошилич ёрдам шароитида, ҳар доим ҳам етарли аниқликни таъминламайди<sup>3</sup>.

Ўз вақтида ташхис қўйилмаслиги ва даволаш тактикаси нотўғри танланиши оғир асоратлар қорин парда орти бўшлиғи гематомалари, иккиламчи инфекция, сепсис, ўткир буйрак шикастланиши ва перитонит ривожланишига олиб келиши мумкин. Тадқиқотлар маълумотларига кўра, қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларида ўлим даражаси 10–30% атрофида бўлиб, ўз вақтида жарроҳлик тузатиш чоралари кўрилмаган ҳолларда 50% гача етиши мумкин<sup>4</sup>.

Қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ шикастланишларида жарроҳлик тактикаси доимий равишда такомиллашиб бормоқда. Эндоскопик ва лапароскопик жарроҳлик каби каминвазив технологияларнинг ривожланиши ташрих травматизмини камайтириш, операциядан кейинги асоратлар хавфини пасайтириш ва реабилитация муддатларини қисқартириш имконини беради. Шу билан бирга, шикастланиш хусусияти, гемодинамик ноустуворлик даражаси ва ҳамроҳ патологиялар мавжудлигига қараб оптимал жарроҳлик усулини танлаш масалалари ҳанузгача тўлиқ ҳал этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ “Инсон хирургик касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишда илғор технологияларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ташхислашни такомиллаштириш, даволаш тактикасини оптималлаштириш ва замонавий визуализация ҳамда жарроҳлик технологияларини жорий этиш орқали қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ шикастланишларини даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

қорин жароҳатлари тузилишида қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ шикастланишлари учраш частотасини аниқлаш, жабрланганларнинг ёш

<sup>3</sup>Nanavati A.J., Nagral S. (ed.). Abdominal Trauma, Peritoneum, and Retroperitoneum. – Oxford University Press, 2022.

<sup>4</sup>Navsaria P. et al. Retroperitoneal haematoma and injury //Abdominal Trauma, Peritoneum, and Retroperitoneum. – 2022. – С. 41.

ва жинс хусусиятларини белгилаш, асосий шикастланиш механизмларини ўрганиш, шунингдек клиник хусусиятлар, шифохонага келиш муддатлари ва беморларнинг ҳолати оғирлигини таҳлил қилиш;

буйракларнинг ёпиқ шикастланишларида турли текширув усулларининг (УТТ, МСКТ) диагностик аҳамиятини баҳолаш, шикастланиш даражасига қараб консерватив ва хирургик даволашнинг самарадорлигини аниқлаш, операциядан кейинги асоратлар частотасини ўрганиш ва нефрэктомия зарурлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

меъда ости безининг ёпиқ шикастланишларини ташхислашда энг информатив усулларни аниқлаш, шикастланиш даражасига қараб хирургик даволаш тактикасини ўрганиш, видеолапароскопия самарадорлигини баҳолаш ҳамда операциядан кейинги асоратлар частотаси ва уларнинг касаллик оқибатига таъсирини аниқлаш;

ўн икки бармоқли ичакнинг ёпиқ шикастланишларини ташхислашнинг оптимал усулларини аниқлаш, шикастланиш даражасига қараб хирургик даволаш тактикасини ўрганиш, бир вақтда содир бўлган шикастланишлар таъсирини баҳолаш ва операциядан кейинги асоратларнинг асосий сабабларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2019 йилнинг январь ойидан 2023 йилнинг декабрь ойигача РШТЁИМ ва РШТЁИМ Наманган филиалида қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатлари туфайли даволанган 192 нафар беморлар олинган. Улар орасида 129 нафарида буйракнинг ёпиқ жароҳати, 52 нафарида меъда ости безининг ёпиқ шикастланиши ва 27 нафарида ўн икки бармоқли ичакнинг шикастланиши аниқланган бўлиб, 16 нафарида мазкур аъзоларнинг бир вақтда шикастланиши ташхисланган.

**Тадқиқотнинг предмети** қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларида замонавий инструментал визуализация усуллари (УТТ, МСКТ, видеолапароскопия) ҳамда шикастланиш даражаси ва бир вақтда содир бўлган шикастланишларни инобатга олган ҳолда хирургик ва консерватив даволашнинг турли ёндашувларини қўллаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари тадқиқот қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёш ва жинс тузилиши, жароҳат механизми, хавф омиллари, шифохонага келиш муддатлари ва ҳолат оғирлигини таҳлил қилишни ўз ичига олган беморларнинг демографик ва клиник хусусиятларини комплекс тадқиқ этиш орқали қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳати бўлган беморларнинг клиник профилига хос белгилари асосланган;

буйрак, ошқозон ости беши ва ўн икки бармоқли ичакнинг ёпиқ жароҳатларида мултислайс компьютер томографиясининг диагностик аҳамияти асосланган ва қўллаш учун кўрсатмалар, шунингдек шикастланиш даражасини объектив баҳолаш, қорин парда орти бўшлиғи гематомаларига

ишора қилувчи билвосита белгиларни аниқлаш ва хирургик аралашув заруриятини белгилаш имконини берувчи компьютер томографиясининг специфик белгилари аниқлаштирилган;

хирургик тактикани танлаш учун қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг шикастланиш даражасига қараб аъзо сақловчи операциялар ва радикал аралашувлар учун кўрсатмаларни аниқлаштириш, шунингдек асоратлар ва ўлимнинг олдини олиш имконини берувчи операциядан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичининг частотаси ва таркибининг прогностик қийматлиги аниқланган;

клиник кўрик, ультратовуш текшируви, МСКТ ва видеолапароскопияни қўллашга асосланган ташхис аниқлигини ошириш, диагностик хатолар частотасини камайтириш ва даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берувчи комплекс диагностик ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги ва хавфсизлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шошилич жарроҳлик бўлимларида клиник амалиётга жорий этиш учун қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларини ташхислаш ва даволаш бўйича турли визуализация усулларининг (УТТ, контрастли МСКТ, видеолапароскопия) диагностик аҳамиятининг таҳлили ва аъзонинг шикастланиш даражаси ҳамда бемор ҳолатига қараб даволаш тактикасини танлашда энг самарали ёндашувларни аниқлашга асосланган тавсиялар таклиф қилинган;

шошилич жарроҳликда буйрак, ошқозон ости беши ва ўн икки бармоқли ичакнинг шикастланишлари ташхисотининг вақтини қисқартириш, шикастланишларни тўғри аниқланишини ошириш ва диагностик хатолар хавфини камайтириш имконини берувчи асосий инструментал ташхис усулларини қўллаш бўйича асосий ёндашувлар аниқланган;

қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларида хирургик тактикани танлаш бўйича операциядан кейинги асоратлар ва ўлим даражасини камайтиришга ёрдам берувчи аъзо сақловчи операциялар ва радикал аралашувлар учун кўрсатмаларни ўз ичига олувчи амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг қўшма шикастланишлари бўлган беморларни олиб бориш бўйича қўшма шикастланишларни даволаш тактикаси ва прогнозига кўрсатадиган таъсирни инобатга олган ҳолда даволашни оптималлаштириш ва клиник натижаларни яхшилаш имконини берувчи амалий тавсиялар таклиф қилинган.

олинган натижаларни клиник амалиётга кенг жорий этиш шошилич жарроҳлик ёрдамини такомиллаштириш, буйрак, меъда ости беши ва ўн икки бармоқли ичакнинг ёпиқ жароҳатли беморларни ташхислаш ва даволашни яхшилашга хизмат қилади, бу эса ўлим даражасини камайтириш, стационарда қолиш муддатини қисқартириш ва тиббий ёрдам сифати ўсишига олиб келади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари,

лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларида, жумладан буйрак, меъда ости беши ва ўн икки бармоқли ичкадаги клиник хусусиятлар ва ташхис имкониятлари ҳақидаги билимларни кенгайтиришга, турли визуализация усуллари (ультратовуш текшируви, мултислайс компютер томографияси, видеолапароскопия) диагностик аҳамияти атрофлича таҳлил қилинганлиги, уларнинг самарадорлиги аниқланганлиги ва клиник вазиятга қараб оптимал ташхис усулини танлаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги, қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларини жарроҳлик даволаш бўйича ёндашув илмий асосланган ва тизимлаштирилган ҳолда таклиф қилинганлиги, шикастланиш даражаси, қўшма шикастланишлар ва бемор ҳолатининг оғирлиги инobatга олинган ҳолда хирургик даволаш натижалари таҳлил қилинганлиги, оператив аралашув тактикасини танлашга таъсир этувчи омиллар аниқланганлиги, бу эса даволаш самарадорлигини ошириш ва операциядан кейинги асоратлар частотасини камайтиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларини ташхислаш ва даволаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, УТТ ва МСКТни қўллашда оптимал ёндашувлар аниқланганлиги, бу ташхис қўйиш муддатини қисқартириш, диагностик хатолар хавфини камайтириш ва даволаш натижаларини яхшилаш имконини берганлиги, жхирургик тактикани танлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар органни сақловчи ва радикал аралашувларни қўллаш учун кўрсатмаларни аниқлаштирилганлиги, бу эса хирургик травматизмни камайтириш, операциядан кейинги асоратлар частотасини пасайтириш ва ўлим даражасини туширишга имкон берганлиги, олинган натижаларни клиник амалиётга жорий этиш қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳати бўлган беморларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини оширишга, касаллик прогнозини яхшилашга, стационарда қолиш муддатини қисқартиришга ва беморларнинг ҳаёт сифати ўсишига имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларини ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

*биринчи илмий янгилик:* ёш ва жинс тузилиши, жароҳат механизми, хавф омиллари, шифохонага келиш муддатлари ва ҳолат оғирлигини таҳлил қилишни ўз ичига олган беморларнинг демографик ва клиник хусусиятларини комплекс тадқиқ этиш орқали қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳати бўлган беморларнинг клиник профилига хос белгилари асосланганлиги РШТЎИМ Илмий кенгаши томонидан 2023 йил 18 майда 3-

сон билан тасдиқланган «Қорин парда орти бўшлиғи гематомалари бўлган беморларда касалликнинг клиник кечиши, ташхисоти ва даволаш хусусиятлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф РШТЎИМ Хоразм филиалининг 19.12.2024 йилдаги 263/1-“Г”-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 25 апрелдаги 16/13-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* клиник маълумотларни системалаштириш ташхис аниқлигини ошириш ва даволаш тактикаси танловининг асослигини оширишга ва беморларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги давомийлигини қисқартиришга имкон яратди. *Иқтисодий самарадорлиги:* таклиф қилинаётган янги ёндашувларни амалиётга тадбиқ қилиш натижасида меҳнатга лаёқатсизлик давомийлиги ўртача 18,5 кундан 11,2 кунгача қисқартирилиб, ҳар бир беморда 7,3 кунлик фарқ орқали 876 000 сўм иқтисод қилинди; 192 беморда умумий самара 168,2 млн сўмни, республика бўйлаб 1370 шунга ўхшаш ҳолатда эса 1,2 млрд сўмдан ортиқни ташкил этди.

*иккинчи илмий янгилик:* буйрак, ошқозон ости беши ва ўн икки бармоқли ичакнинг ёпиқ жароҳатларида мультиспиралли компьютер томографиясининг диагностик аҳамияти асосланган ва қўллаш учун кўрсатмалар, шунингдек шикастланиш даражасини объектив баҳолаш, қорин парда орти бўшлиғи гематомаларига ишора қилувчи билвосита белгиларни аниқлаш ва хирургик аралашув заруриятини белгилаш имконини берувчи компьютер томографиясининг специфик белгилари аниқлаштирилганлиги РШТЎИМ Илмий кенгаши томонидан 2023 йил 18 майда 3-сон билан тасдиқланган «Қорин парда орти бўшлиғи гематомалари бўлган беморларда касалликнинг клиник кечиши, ташхисоти ва даволаш хусусиятлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф РШТЎИМ Андижон филиалининг 03.01.2025 йилдаги 12-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 25 апрелдаги 16/13-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ташхис аниқлиги оширилди, бу оғир шикастланишларни кеч аниқлаш ҳолатларини камайтириш ва даволаш натижаларини яхшилашга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мултислайс компьютер томографиясининг мақсадли қўлланилиши орқали травматик ва кўп ҳаражатли усул ҳисобланмиш диагностик лапаротомия улуши 28,6%дан 9,3%гача камайтирилди, бу эса ҳар бир бемор учун ўртача 540 000 сўм ҳаражатни тежаш имконини берди; 192 беморда умумий иқтисодий самара 103,7 млн сўмни, республика бўйлаб 1370 шунга ўхшаш ҳолатда эса 740 млн сўмдан ортиқни ташкил этди.

*учинчи илмий янгилик:* хирургик тактикани танлаш учун қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг шикастланиш даражасига қараб аъзо сақловчи операциялар ва радикал аралашувлар учун кўрсатмаларни аниқлаштириш, шунингдек асоратлар ва ўлимнинг олдини олиш имконини берган операциядан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичининг частотаси ва

таркибининг прогностик аҳамияти аниқланганлиги РШТЁИМ Илмий кенгаши томонидан 2023 йил 18 майда 3-сон билан тасдиқланган «Қорин парда орти бўшлиғи гематомалари бўлган беморларда касалликнинг клиник кечиши, ташхисоти ва даволаш хусусиятлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф РШТЁИМ Бухоро филиалининг 01.04.2024 йилдаги 40-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 25 апрелдаги 16/13-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* операциядан кейинги асоратлар частотаси пасайтирилди, ўлим ҳолатлари камайтирилди ва беморларда функционал натижалар яхшиланди. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационарда қолиш муддати қисқартирилди, қайта жарроҳлик аралашувлар сони камайтирилди ва соғлиқни сақлаш тизими юки пасайтирилди.

*тўртинчи илмий янгилик:* клиник текширув, ультратовуш текшируви, МСКТ ва видеолароскопияни қўллашга асосланган ташхис аниқлигини ошириш, диагностик хатолар частотасини камайтириш ва даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берувчи комплекс диагностик ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги ва хавфсизлиги асосланганлиги РШТЁИМ Илмий кенгаши томонидан 2023 йил 18 майда 3-сон билан тасдиқланган «Қорин парда орти бўшлиғи гематомалари бўлган беморларда касалликнинг клиник кечиши, ташхисоти ва даволаш хусусиятлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф РШТЁИМ Фарғона филиалининг 04.09.2024 йилдаги 122-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 25 апрелдаги 16/13-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ташхисни такомиллаштириш ва даволаш тактикаси шаҳсийлаштирилиши орқали тиббий ёрдам сифати оширилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* замонавий визуализация усуллари жорий этиш орқали кенг лапаратомия ҳолатлари 32,5%дан 11,2–13,8%гача камайди, аъзо сакловчи операциялар улуши 18,6%дан 41,3–43,0%гача ошди, операциядан кейинги асоратлар ва стационарда қолиш муддати сезиларли қисқарди. Ҳар бир беморда ўртача 61 000 сўм, 4374 та операцияда эса 266,8 млн сўмгача иқтисод қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та илмий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмда** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти кўрсатилган, мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети маълум қилинган, диссертация ишининг Республика илми ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги акс эттирилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амали натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амали аҳамияти кўрсатилган, натижалар клиник амалиётга жорий этилиши ҳақида маълумотлар берилган, шунингдек, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларини ташхислаш, оғирлигини баҳолаш ва жарроҳлик даволашда замонавий ёндашувлар»** деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган. Боб 4 та кичик бўлимдан иборат бўлиб, унда қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатлари муаммосига умумий қарашлар, ўн икки бармоқли ичак, меъда ости бези, буйраклар ва травматик қорин парда орти бўшлиғи гематомалари билан боғлиқ масалалар ёритилган. Бобда кўрсатилишича, замонавий визуализация усулларини кенг ва самарали қўллаш, теридан ўтказилувчи, эндоваскуляр ва эндоскопик каминвазив аралашувларни фаол қўллаш қорин бўшлиғи ва қорин парда орти бўшлиғи паренхиматоз аъзолари шикастланишларида очик жарроҳлик амалиётлари учун абсолют кўрсатма бўлган тушунчаларни сезиларли равишда ўзгартирди. Шу шароитда меъда ости бези шикастланишларини ташхислаш ва даволашда хирурглар, эндоскопистлар, рентгенологлар ва реаниматологлар ўртасидаги интердисциплинар ҳамкорликнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари тавсифланган. Диссертация тадқиқоти доирасида 2019 йил 1 январидан 2023 йил 31 декабригача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика илмий шошилинч тиббий ёрдам маркази (РШТЁИМ) ва унинг Наманган филиалида даволанган қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатлари (ҚПБАЁЖ) билан 192 нафар беморнинг комплекс ташхис ва даволаш натижалари ретроспектив таҳлил қилинди. Мазкур даврда қорин жароҳатлари умумий тузилишида ( $n=1115$ ) ҚПБАЁЖ билан касалланган беморлар улуши 17,2% ни ( $192/1115$ ) ташкил этди.

Тадқиқотга киритилган ҚПБАЁЖ билан беморларнинг ўртача ёши  $39,0 \pm 15,5$  ёшни ташкил қилди, ёш оралиғи 18 дан 76 гачани ташкил этди. Барча механик жароҳатларда бўлганидек, ҚПБАЁЖ кўпроқ юқори меҳнат ва ижтимоий фаолликка эга шахсларда кузатилди. Бу тоифага асосан эркаклар киради (жабрланганларнинг 74,5% –  $143/192$ ), шунингдек ёш ( $64,1\%$ ;  $123/192$ ) ва ўрта ёшдаги ( $24,0\%$ ;  $46/192$ ) шахслар. Қария ва кексалар улуши 12,0% ни ( $23/192$ ) ташкил қилди.

Шошилинич тиббий ёрдам бригадалари орқали 130 нафар (67,7%) жабрланган беморлар етказилди, 55 нафар (28,7%) беморлар ўзи келган, 7 нафари (3,6%) бошқа тиббиёт муассасаларидан йўналтирилган. ҚПБАЁЖ билан беморларнинг клиникага келиши вақтида турли даражадаги спиртли ичимлик таъсири ҳолати 53 нафар (27,6%) беморда аниқланган.

Бошқа анатомик ҳудудлардаги жароҳатлар, жумладан кўкрак ва қорин шикастланишларидан фарқли ўлароқ, ҚПБАЁЖ клиникаси биринчи соатларда ҳамиша аниқ намоён бўлмайди, оғриқ синдроми қорин парда орти бўшлиғи гематомаси ҳажми ортиши билан секин-аста кучаяди. Шу боис, бу гуруҳдаги беморларнинг жароҳат олинган пайтдан клиникага келиши ўртача муддати  $6,6 \pm 7,5$  соатни ташкил қилди, оралиғи 15 дақиқадан 72 соатгача бўлди. Бошқа анатомик ҳудудлардаги ёпиқ жароҳатларда кўплаб беморлар одатда жароҳат олинганидан кейинги биринчи 3 соат ичида клиникага муурожаат қилса, ҚПБАЁЖ билан беморларнинг аксарияти – 139 нафар (72,4%) – кўрсатилган муддатдан кейин клиникага муурожаат қилган.

Қорин парда орти бўшлиғи аъзолари орасида ёпиқ жароҳатларга энг кўп учрайдигани буйраклар бўлиб, бу ҳолат  $2/3$  дан ортиқ ҳолатларда қайд этилган – 129 нафар (67,2%) беморда ташхисланган. Кейинги ўринда меъда ости беши парчаланишлари (52; 27,1%) ва ўн икки бармоқли ичак шикастланишлари (27; 14,1%) туради. Улар орасида 16 нафарда (8,3%) кўрсатилган аъзолар – буйрак, меъда ости беши ва ўн икки бармоқли ичак – бир вақтда шикастланган ҳолатлар аниқланган (1-жадвал).

ҚПБАЁЖ бошқа анатомик ҳудудларнинг ҳам бир вақтда шикастланиши билан юқори частотада кузатилади, бу ҳолат 84 нафарда (43,8%) қайд этилган. Энг кўп жароҳатланган аъзолар қорин бўшлиғи аъзолари – 51 нафар (26,6%), кейин кўкрак қафаси шикастланишлари – 32 нафар (16,7%), бош мия жароҳатлари (БМЖ) – 25 нафар (13,0%), бел ва тос суяклари синганлари – 20 нафар (10,4%), аъзолар – 16 нафар (8,3%) ва найсимон суяклар – 11 нафар (5,7%) ни ташкил қилган (1-жадвал).

Кўпчилик жабрланганларнинг — 166 нафар (86,5%) — жароҳати йўл-транспорт ҳодисалари натижасида (105 ҳолат; 54,7%) ва баландликдан тушишдан (61 ҳолат; 31,8%) келиб чиққан. Қорин парда орти бўшлиғи аъзолари шикастланиши анча камроқ ҳолатларда, яъни калтаклаш натижасида — 18 ҳолатда (9,4%) ва фақатгина алоҳида кузатувларда (5 ҳолат; 2,6%) уй-жойда содир бўлган жароҳатлар орқали рўй берган. Шу каби юқори кинетик механизмлар устунлик қилувчи жароҳатлар структураси бошқа анатомик ҳудудлар ва тизимлар аъзоларининг бир вақтда шикастланишларига олиб келиб, 43,8% (192 бемордан 84) ҳолатларда қайд этилган (1-жадвал). Бундан ташқари, бу 84 беморнинг 45 нафариди (53,6%) кўп маротабали бир вақтда шикастланишлар — икки ва ундан ортиқ анатомик ҳудудларнинг жароҳатланиши кузатилган. Бундай травмотогенез хусусиятлари оғир клиник кечиш, асоратлар хавфини ошириш ва турли профил мутахассислари иштирокида комплекс бемор бошқарувини талаб қилади.

Йўл-транспорт ҳодисалари ва баландликдан тушиш каби юқори

энергияли жароҳат механизмлари клиник намоён бўлишга бевосита таъсир кўрсатди: ҚПБАЁЖ билан беморларнинг фақат ярмидан кўпи — 106 нафар (55,2%) — ўрта оғирликдаги ҳолатда клиникага етказилган. Қолган 86 нафар (44,8%) беморлар эса шошилиш ҳолатда оғир (70 ҳолат; 36,5%) ва жуда оғир (16 ҳолат; 8,3%) ҳолатда бўлган. Ҳар учинчи беморда — 55 нафар (28,6%) — онгнинг бузилиши қайд этилган: 44 ҳолатда (22,9%) чархалик, 8 ҳолатда (4,2%) сопор ва 3 ҳолатда (1,6%) кома кузатилган.

1-жадвал

**Қорин парда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатларининг анатомик тузилиши, n=192**


Шикастланиш хусусияти	Беморлар сони	
	Абс.	%
Буйраклар ёрилиши	119	62,0
Меъда ости беzi ёрилишлари	43	22,4
12 б/и ретроперитонеал қисми жароҳати	14	7,3
Буйраклар + 12 б/и	7	3,6
Меъда ости беzi + 12 б/и	6	3,1
Буйраклар + меъда ости беzi	3	1,6
Шунингдек, бошқа анатомик ҳудудларнинг кўшма шикастланишлари.	84	43,8
– қорин	17	8,9
– кўкрак қафаси + қорин	13	6,8
– БМЖ + кўкрак қафаси + қорин	8	4,2
– БМЖ	7	3,6
– қорин + чаноқ + оёқ	6	3,1
– кўкрак қафаси	6	3,1
– оёқ	4	2,1
– чаноқ	3	1,6
– БМЖ + қорин + чаноқ	3	1,6
– БМЖ + кўкрак қафаси + чаноқ	3	1,6
– умуртқа + чаноқ	3	1,6
– умуртқа + оёқ	3	1,6
– БМЖ + оёқ	2	1,0
– қорин + умуртқа	2	1,0
– умуртқа	2	1,0
– БМЖ + кўкрак қафаси + қорин + чаноқ + оёқ + умуртқа	1	0,5
– БМЖ + кўкрак қафаси + қорин + чаноқ	1	0,5

Диссертациянинг «Буйракнинг ёпиқ шикастланишлари» деб номланган учинчи бобида 18 дан 76 ёшгача бўлган 129 нафар буйракнинг ёпиқ жароҳати билан касалланган беморларнинг ташхис ва даволаш натижалари тақдим этилган, ўртача ёш  $42,3 \pm 12,2$  ёшни ташкил қилган. Буйракнинг ёпиқ жароҳати билан беморларнинг абсолют кўпчилиги — 118 нафар (91,5%) — ёш

(68; 52,7%) ва ўрта ёшдаги (50; 38,8%) шахслардан иборат бўлган. Эркаклар устунлик қилган — 92 нафар (71,3%) бемор, аёллар эса 37 нафар (28,7%) ни ташкил қилган. Ижтимоий фаол контингент устунлиги муаммонинг нафақат клиник, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам долзарблигини кўрсатади.

Буйракнинг бир вақтда шикастланиши 46 нафар (35,7%) жабрланганларда аниқланди, изоляцион ҳолатда эса 83 нафарда (64,3%) кузатилган. Шунингдек, 4 ҳолатда (3,1%) жароҳат хамроҳ патология бўлган буйрақларда кузатилган, улар орасида 2 ҳолатда сийдик-тош касаллиги, 1 ҳолатда қўш буйрак ва яна 1 ҳолатда орган поликистоз ҳолати қайд этилган. Буйрак жароҳати билан беморларда травма оғирлиги Injury Severity Scoring (ISS) шкаласи бўйича ўртача  $25,6 \pm 9,2$  баллни ташкил қилган. Бу беморларнинг ҳолат оғирлиги Revised Trauma Score шкаласи бўйича ўртача  $6,468 \pm 2,549$  баллни ташкил қилган.

Буйрак шикастланишининг клиник ва УТТ белгилари бўлган барча беморлар, шунингдек бел ва тос суюқлари синган беморларда сийдик пуфаги катетеризацияси бажарилган. Шу вақтда макрогематурия 85 нафарида (65,9%) аниқланди, микрогематурия — 30 нафарида (23,3%), 14 ҳолатда (10,9%) буйрак шикастланиши гематурия белгисиз кечган. Клиник ёки эхографик белгилар бўлган 38 нафар (29,5%) беморларда гемодинамика барқарор ҳолатда бўлганида контрастли МСКТ амалга оширилган. Гематурия ёки қорин бўшлиғида эркин суюқлик эҳобелгиси Зельдович синовини ўтказиш учун кўрсатма ҳисобланган. Бу диагностика синови мусбат ёки шубҳали натижа берса, ретроград цистография ўтказилган (1-расм).



**1-расм. Кўтарилувчи цистография: а) контраст модданинг қорин бўшлиғига чиқиши (экстравазация); б) қорин бўшлиғи ташқарисида сийдик пуфаги шикастланиши; в) сийдик пуфаги бўшатиладан сўнг контрастнинг сийдик пуфаги атрофи ёғ тўқимасида қолиб кетиши.**

Буйракнинг I–III даражадаги шикастланиш белгиларга эга беморларда (68 нафар) биринчи навбатда консерватив терапия қўлланилган. Аммо 2 ҳолатда (3,0%) III даражали буйрак шикастланиши бўлган беморларда консерватив терапия олиб борилаётган пайтда қорин парда орти бўшлиғи гематомаси ҳажми ошиши қайд этилган ва бу кечиктирилган жарроҳлик аралашуви учун кўрсатма бўлган — буйрак ёрилишини тикиш амалиёти бажарилган. Шундай қилиб, кузатувларимизда консерватив терапия жами 66 нафарда (51,2%)

қўлланилган, улар орасида I даражали буйрак шикастланиши билан 100% (37/37), II даражалида 80,8% (21/26), III даражалида эса 23,5% (8/34) беморлар учун қўлланилган (2-жадвал). Кўрсатилган муддатларда таҳлил қилинган параметрларда салбий динамика кузатилмагани консерватив терапиянинг самарали эканлигини кўрсатган.

II даражали буйрак шикастланиши бўлган 26 нафар беморнинг 5 нафарида (19,2%) орган шикастланиши қорин парда орти бўшлиғи гематомаси зонасининг жарроҳлик давридаги интраоперацион текшируви орқали аниқланган. Бу ҳолатлар гемоперитонеумнинг клиник, УТТ ва МСКТ белгиларидан келиб чиқиб амалга оширилган шошилиш лапаротомия пайтида рўй берган. Ушбу ҳолатларда гемостаз буйрак ёрилишини тикиш орқали таъминланган.

## 2-жадвал

### Буйрак шикастланиши оғирлиги (AAST-OIS таснифи) ва бажарилган операциялар хусусияти, n=129


AAST-OIS	Жами беморлар		Консерватив терапия		Ёрилишни тикиш		Сегмент резекцияси		Нефр-эктомия	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
I	37	28,7	37	100,0	-	-	-	-	-	-
II	26	20,2	21	80,8	5	19,2	-	-	-	-
III	34	26,4	8	23,5	21	61,8	4	11,8	1	2,9
IV	23	17,8	-	-	5	21,7	5	21,7	13	56,5
V	9	7,0	-	-	-	-	-	-	9	100,0
Жами	129	100	66	51,2	31	24,0	9	7,0	23	17,8

Буйрак ёрилишлари билан боғлиқ органни сақлайдиган операциялар жами 40 ҳолатда (31,0%), шу жумладан юқорида қайд этилган 5 ҳолат ҳам бажарилган. Аксарият ҳолатларда — 31 нафар (24,0%) беморда — гемостаз орган ёрилишини тикиш орқали таъминланган, 9 нафар (7,0%) беморда шикастланган буйрак соҳасини резекция қилиш амалга оширилган. Органни сақлайдиган аралашувлар асосан AAST-OIS классификацияси бўйича III ва IV даражали буйрак ёрилишларида амалга оширилган (2-жадвал).

Буйрак паренхимасининг V даражали ёрилиши ва парчаланишининг барча 9 ҳолати (100%) нефрэктомия билан яқунланган. Шунингдек, IV даражали ёрилишларда 56,5% (13/23) ва III даражали шикастланишларда 2,9% (1/34) ҳолатларда буйракни олиб ташлаш амалга оширилган (2-жадвал).

Буйрак шикастланиши билан касалланган беморларни стационарда ўртача даволаш муддати  $8,0 \pm 4,6$  кунни ташкил қилган. Беморларнинг стационардаги қолиш муддати шикастланиш оғирлигига боғлиқ равишда узайган: I даражада  $3,3 \pm 1,6$  кундан IV ва V даражада  $13,7 \pm 2,9$  ва  $13,3 \pm 4,4$  кунгача (2-расм).

Шу каби боғлиқлик РИТБ (реанимация ва интенсив терапия бўлими) даги қолиш муддатларида ҳам кузатилган: I–II даражали шикастланишлари бўлган беморларда ўртача 1 кундан ортиқ эмас (мос равишда  $0,2 \pm 0,6$  ва  $0,7 \pm 1,1$  кун), IV даражада эса бу кўрсаткич  $4,9 \pm 2,6$  кунга етган. Ўртача, интенсив терапия РИТБ шароитида  $1,7 \pm 2,3$  кун давомида талаб қилинган.



**2-расм. Буйрак шикастланиш оғирлигига боғлиқ равишда беморларни стационарда даволаш муддатлари. Тушунтириш матнда.**

Урологик, нефрологик ва маҳаллий асоратлар частотаси ҳам шикастланиш оғирлигига бевосита боғлиқ бўлган. Асоратлар ўртача 17,1% (22/129) ни ташкил қилган, I даражали шикастланишли беморларда асоратлар 2,7% (1/37) ҳолатда қайд этилган, III ва IV даражали шикастланишларда эса асоратлар частотаси 23,5% (8/34) ва 30,4% (7/23) га ошган. V даражали шикастланишда нефрэктомия қилинган беморларда урологик асоратлар кузатилмаган, аммо қорин парда орти бўшлиғи гематомасининг йиринглаши I ҳолатда (11,1%; 1/9) қайд этилган.

Энг кўп учрайдиган асорат – пиелонефрит 6,2% ҳолатда (8/129) қайд этилган. Бу асорат частотаси шикастланиш оғирлиги ошгани сари ортиб, III даражада 11,8% ва IV даражада 8,7% ни ташкил қилган. Буйрак жароҳатлари асоратлари структурасида пиелонефритдан сўнг иккинчи ўрин уринома/буйрак атрофи абсцессларига тўғри келган, улар 6 нафар (4,7%) беморда, асосан III (5,9%) ва IV (8,7%) даражали шикастланишларда аниқланган.

Буйракнинг шикастланиши бўлган беморларда посттравматик даврдаги кам учрамайдиган асоратлардан бири бўлган ўткир буйрак етишмовчилиги (ЎБЕ) 4 нафар (3,1%) беморда аниқланган, уларнинг ярми (2 ҳолат) IV даражали шикастланиш билан боғлиқ бўлган. Қорин парда орти бўшлиғи гематомасининг йиринглаши 2 нафар (1,6%) беморда аниқланган, улар IV даражали (4,3%) ва V даражали (11,1%) шикастланишда бўлган. Шунингдек, II ва III даражали шикастланишларда 2 беморда (1,6%) уросепсис ривожланиб, оғир интоксикация, гипертермия ва тахикардия билан кечган.

Консерватив терапия кўрсатмалари кенгайтирилган бўлиб, AAST-OIS классификацияси бўйича I–II даражали ва қисман III даражали буйрак шикастланиши бўлган 66 беморда (51,2%) муваффақиятли қўлланилган. Буни амалга ошириш учун гемодинамика ва қон кўрсаткичлари тўғри мониторинг

қилиниши, доимий УТТ назорати ва кузатувнинг 24–48 соатдан кейин такрорий МСКТ ўтказилиши талаб этилган. Шу ҳолатда консерватив терапиянинг мақбуллиги ва хавфсизлиги тасдиқланган. Бу тоифадаги нисбатан енгил буйрак шикастланиши бўлган беморларда стационарда ўртача даволаш муддати  $6,2 \pm 2,1$  кун, РИТБда қолиш муддати  $0,4 \pm 0,8$  кунни ташкил қилган. Специфик асоратлар 7 беморда (10,6%) қайд этилган, ўлим ҳолатлари қайд этилмаган (3-жадвал).

Юқорида қайд этилган 66 (51,2%) беморда консерватив терапия билан муваффақиятли даволанган ҳолатларга кўшимча равишда, шикастланган буйракнинг ҳаётчанлигини яна 40 (31,0%) беморда тиклаш муваффақиятли амалга оширилган: 31 беморда (24,0%) ёрилишни тикиш орқали ва 9 ҳолатда (7,0%) шикастланган қисмни резекция қилиш орқали (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Буйракнинг ёпиқ шикастланиши бўлган беморларнинг даволаш натижалари, n=129

Кўрсаткич	Консерватив, n=66	Ёрилишни тикиш, n=31	Зарарланган соха резекцияси, n=9	Нефрэктомия, n=23	Жами, n=129
Стационар даволаниш муддати, кун, $M \pm \sigma$	$6,2 \pm 2,1$	$8,8 \pm 2,6$	$10,4 \pm 2,7$	$12,6 \pm 3,1$	$8,0 \pm 4,6$
РИТБ да даволаш муддати, кун, $M \pm \sigma$	$0,4 \pm 0,8$	$1,2 \pm 0,9$	$2,2 \pm 1,2$	$3,6 \pm 1,8$	$1,7 \pm 2,3$
Урологик, нефрологик ва маҳаллий асоратлар сони, абс. (%)					
Барча асоратлар	7 (10,6)	11 (35,5)	3 (33,3)	1 (4,3)	22 (17,1)
– Пилонефрит	3	5	0	0	8
– Уринома / буйрак атрофи абсцесси	2	4			6
– Уросепсис	1	1			2
– ҚПБ гематомаси йиринглаши			1	1	2
– ЎБЕ	1	1	2		4
Ўлим, абс. (%)	–	3 (9,7)	2 (22,2)	3 (13,0)	8 (6,2)

AAST-OIS классификацияси бўйича III–IV даражали буйрак шикастланишларида органни сақлаш тактикаси қўлланилган хирургик даволашда, специфик постоператив асоратлар сони 35,5 ва 33,3% гача ошганига қарамай, натижалар қониқарли бўлган, асоратларнинг аксарияти антибактериал терапия ва миниинвазив санация усуллари орқали самарали бартараф қилинган. Шу билан бирга, госпитализация ва РИТБда қолиш муддатлари сезиларли ошмаган ва бошқа қорин парда орти бўшлиғи

органларига очик жарроҳлик операцияларига хос ўртача кўрсаткичлар доирасида қолган. Аниқ қилиб айтганда, ёрилишни тикиш орқали даволанган беморларда (n=31) стационарда ўртача даволаш муддати  $8,8 \pm 2,6$  кун, РИТБда бўлиш муддати  $1,2 \pm 0,9$  кунни ташкил этган. Шикастланган соха резекция қилинган беморларда бу кўрсаткичлар 1–1,5 кунга юқори бўлиб, стационарда  $10,4 \pm 2,7$  кун ва РИТБда  $2,2 \pm 1,2$  кунни ташкил қилган. Органни сақлаш операцияларидан кейин ўлим кўрсаткичи 9,7 дан 22,2% гача бўлган (3-жадвал), бироқ бирорта ҳолатда ҳам салбий натижа бевосита хирургик аралашувга хос махсус асоратлар билан боғлиқ бўлмаган.

AAST-OIS классификацияси бўйича шикастланиш оғирлигини ҳисобга олган ҳолда буйракнинг ёпиқ жароҳатлари билан оғриган беморларда даволаш тактикасини танлаш бўйича таклиф этилган персоналлаштирилган ёндашув консерватив терапия ва аъзо сақловчи операциялар учун кўрсатмаларни кенгайтиришни назарда тутди. Бу эса нефрэктомия частотасини 17,8% (23/129) гача камайтириш имконини берди. Ушбу операция операциядан кейинги асоратлар (4,3%) ва леталлик (6,2%) паст кўрсаткичлар билан тавсифланса-да, беморларнинг аксариятида бошқа анатомик зоналарнинг биргаликдаги шикастланишлари мавжуд бўлган ҳолларда амалга оширилган. Шу сабабли стационарда даволанишнинг ўртача муддати ( $12,6 \pm 3,1$  кун) ва РИТБда бўлиш даври ( $3,6 \pm 1,8$  кун) бироз узайган (3-жадвал).

Умуман олганда, 129 нафар бемордан иборат танлов бўйича стационарда даволанишнинг ўртача давомийлиги  $8,0 \pm 4,6$  кунни, РИТБда бўлиш муддати эса  $1,7 \pm 2,3$  кунни ташкил этди. Асоратлар 22 (17,1%) беморда кузатилди, госпитал леталлик эса 6,2% (8 ҳолат) гача етди (3-жадвал).

Ёпиқ буйрак шикастланишларида умумий госпитал леталлик бизнинг кузатувларимизда 6,2% (8/129) ни ташкил этди. Ноқулай натижа ривожланиш хавфи, аввалги икки кўрсаткич каби, тўғридан-тўғри буйрак шикастланишининг оғирлигига боғлиқ эди. Жумладан, I даражали шикастланишда ўлим ҳолатлари қайд этилмаган. II даражада леталлик 3,8% (1/26) ни ташкил қилган бўлса, III даражада 11,8% (4/34) гача етган. Кейинги даражаларда эса IV даражали шикастланишда 8,7% (2/23) ва V даражада 11,1% (1/9) оралиғида кузатилган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Изоляцияланган ва қўшма буйрак шикастланиши бўлган беморларда ўлим даражаси, n=129


Буйрак шикастланиши табиати	Жами беморлар	Ўлим	%
AAST-OIS бўйича шикастланиш даражаси, дар.	I	37	-
	II	26	1
	III	34	4
	IV	23	2
	V	9	1
Изолирланган жароҳат	83	3	3,6
Қўшма жароҳат	46	5	10,9
Жами	129	8	6,2%

Леталлик кўрсаткичига буйрак шикастланиши билан бирга бошқа анатомик зоналарнинг шикастланиши ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, изоляцияланган буйрак шикастланишларида леталлик 3,6% (3/83) ни ташкил этган бўлса, бирлашган травмаларда ноқулай натижа 10,9% (5/46) ҳолатда қайд этилган (4-жадвал).

Изоляцияланган буйрак шикастланиши бўлган 3 беморда ўлим ҳолатларининг сабаблари уросепсис (1), ўткир миокард инфаркти (1) ва ўпка артериялари тромбоемболияси (1) бўлган. Бу ҳолатлар, айниқса ҳамроҳ касалликлари мавжуд беморларда, урологик ҳамда тизимли асоратларни ўз вақтида олдини олиш ва даволашнинг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди (4-жадвал).

Буйракнинг биргаликдаги шикастланиши билан 5 ўлим орасида ўлимнинг асосий сабаблари оғир БМЖ (2), жигар шикастланиши (1) ва талоқнинг шикастланиши (1) туфайли катта қон йўқотиш оқибатлари бўлди. Яна 1 ҳалокатли натижа ретроперитонеал гематоманинг йиринглаши фонида ривожланган полиорган етишмовчилиги билан сепсис сабаб бўлди.

Тадқиқот натижалари ва тўпланган клиник тажрибани ҳисобга олган ҳолда, гемодинамикани, МСКТ маълумотларини бирламчи баҳолаш ва аниқланган жароҳатларнинг оғирлигини табақалаштиришга асосланган ёпиқ буйрак шикастланишларини ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган (3-расм).



**3-расм. Буйракларнинг ёпиқ шикастланишларини даволаш тактикасини танлаш алгоритми.**

РШТЁИМ ва унинг 13 та вилоят филиаллари шароитида, вени ичи контрастлаш ва кечиктирилган экскретор фаза билан мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ўтказиш учун техник имконият мавжуд бўлган ҳолларда, гемодинамик жиҳатдан барқарор беморларга қорин бўшлиғи ва чаноқ аъзоларининг КТ текшируви амалга оширилади. Бу буйрак паренхимасининг шикастланиш даражасини, томирларни ва косача-жомча тизимининг ҳолатини, шунингдек, уринар экстравазация мавжудлигини аниқлаш имконини беради.

Агар буйрак травмаси ёки сийдик оқиши аломатлари бўлмаса, даволаш бошқа жароҳатларга қаратилган бўлади ва бемор динамик кузатув остида қолади. I–IV даражали травма тасдиқланса, даволаш тактикаси жароҳат турига қараб белгиланади. Агар кичик ҳажмли уринар экстравазация аниқланса, 48–72 соатдан сўнг МСКТ билан қайта назорат қилиш билан кузатувчи тактикага афзаллик берилади. Консерватив даволашда ижобий динамика кузатилса давом этилади, ёмонлашса – жарроҳлик коррекциясини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинади.

МСКТни контраст билан ўтказиш имконияти бўлмаган туман ва туманлараро муассасаларда ташхис ва даволаш тактикаси клиник кўриниш, гемодинамик ҳолат ва УТТ натижалари асосида белгиланади. Агар фавқулодда лапаротомия учун кўрсатма бўлса (масалан, интраабдоминал қон кетиши аломатлари, катталашувчи ретроперитонеал гематома) II зона (буйрак атрофи соҳаси) нинг интраоперацион ревизияси мажбурий ҳисобланади. Агар гематома йўқ бўлса, жарроҳ эътиборини бошқа жароҳат манбаларига қаратган ҳолда ҳаракат қилади. Ретроперитонеал гематома аниқланса, кейинги тактика унинг хусусиятига боғлиқ: гематома барқарор бўлса динамик кузатув ва кейинчалик юқори жиҳозланган марказга КТ учун босқичма-босқич ўтказиш мумкин; фаол қон кетиши аломатлари бўлса – тезкор жарроҳлик аралашуви кўрсатилади.

AAST-OIS шкаласи бўйича V даражали травма ёки девитализацияланган буйрак аниқланиши ҳар доим фавқулодда жарроҳлик ревизияси учун мутлақ кўрсатма ҳисобланади, одатда нефрэктомия бажарилади, чунки назоратсиз қон кетиши юқори хавфли ва органнинг функционал тикланиш эҳтимоли йўқ.

Шу тариқа, алгоритм фавқулодда ёрдам кўрсатишнинг асосий тамойиллари асосида тузилган: гемодинамик ҳолатни дастлабки баҳолаш, техник имконият бўлганда контрастли КТдан фойдаланиш, лапаротомияда II зона ревизиясининг мажбурийлиги ва орган сақловчи ёки радикал аралашув кўрсатмаларини қатъий бажариш. Уни қўллаш асоссиз нефрэктомияларни минималлаштириш, енгил ва ўрта даражали жароҳатларда буйрак функциясини сақлаш ҳамда кўп босқичли шошилиш тиббий ёрдам тизими шароитида буйрак травмаларини ташхислаш ва даволашда ёндашувни стандартлаштириш имконини беради.

Диссертациянинг **“Меъда ости безининг ёпиқ шикастланиши”** деб номланган тўртинчи бобида меъда ости бези (МОБ) шикастланган 52 беморни жарроҳлик даволаш натижалари келтирилган. Беморларнинг ўртача ёши  $40,1 \pm 8,6$  йилни ташкил қилди. Беморлар орасида эркаклар мутлақ асосни ташкил қилди – 40 (76,9%) нафар. МОБ нинг ёпиқ травмаларининг сабаблари структурасида энг кўп учрайдигани йўл-транспорт ҳодисалари бўлиб, улар 22 (42,3%) беморда қайд этилган. Энг кўп учраган иккинчи сабаб – уйдаги травма бўлиб, 11 (21,2%) ҳолатни ташкил этган, ундан сўнг баландликдан тушиш – 9 (17,3%), жинойи травма – 5 (9,6%) ва спорт травмалари – 4 (7,7%) ҳолатда қайд этилган. Фақат бир ҳолатда (1,9%) травма сабаби иш вақтидаги ҳодиса бўлган.

МОБ травмаларида тез тиббий ёрдам бригадалари томонидан беморлар ташилиши нисбатан паст бўлиб, 19 (36,5%) ҳолатни ташкил этган. Кўпчилик жабрланганлар – 29 (55,8%) киши – ҳодиса жойидан ёки баъзи вақт ўтгандан сўнг ҳолат ёмонлашганда ўзлари клиникага келган ёки ҳамроҳ транспортда ташилган. Яна 4 (7,7%) бемор бошқа даволаш муассасаларидан кўчирилган.

Беморларнинг травма олинганидан сўнг биринчи «олтин» соат ичида клиникага госпитализация қилиниши кўрсаткичи қониқарсиз бўлиб қолмоқда – фақат 21 (40,4%) бемор ушбу муҳим даврда мурожаат қилган. Травма олинганидан сўнг биринчи уч соатда яна 13 (25,0%) бемор госпитализация қилинган, ва шикастдан кейинги биринчи сутка ичида – 14 (26,9%) киши. Травма олинганидан кейинги иккинчи ва кейинги кунларда бошқа даволаш муассасаларидан 4 (7,7%) бемор қабул қилинган ёки кўчирилган.

МОБнинг ёпик травмаларида беморларнинг умумий ҳолати клиникага келганида фақат 16 (30,8%) беморда енгил (2; 3,8%) ёки ўртача оғир (14; 26,9%) деб баҳоланган. Кўпчилик жабрланганлар (36; 69,2%) эса оғир (26; 50,0%) ёки жуда оғир (10; 19,2%) ҳолатда бўлган.

Ультратовуш текшируви (УТТ) МОБ травмалари бўлган беморларни текширишда асосий скрининг усули сифатида барча 52 беморда клиникага қабул қилинганда, шунингдек динамик кузатув ва операциядан кейинги даволаш давомида ўтказилган. Бошланғич УТТ маълумотларига кўра, қорин бўшлиғида эркин суюқлик 12 (23,1%) беморда аниқланмаган. 28 (53,8%) беморда суюқлик чегараланган миқдорда аниқланган, асосан жигар ости бўшлиғида, талоқ атрофида ва кичик чаноқ бўшлиғида. 12 (23,1%) нафар жабрланганларда суюқлик катта ҳажмда аниқланган ва қорин бўшлиғининг барча бўлимларига тарқалган. Турли жойлашувдаги қорин орти гематомаси (буйрак атрофи тўқимаси, МОБ яқинида ёки жигар ва талоқ ҳудудида) 16 (30,8%) беморда ташхисланган.

Изоляцияланган МОБ травмаси 15 (28,8%) жабрланганларда аниқланган, кўшма жароҳат эса 37 (71,2%) беморда қайд этилган. Энг кўп учраган ҳолатларда МОБ травмалари кўшни паренхиматоз органларнинг яллиғланиши билан боғлиқ бўлган: талоқ (10; 19,2%), жигар (9; 17,3%) ва 12 б/и (6; 11,5%). Баъзи ҳолатларда буйраклар (3; 5,8%) ва меъданинг (1; 1,9%) кўшма жароҳатлари кузатилган. Шунингдек, МОБнинг ёпик травмалари кўпинча бош мия травмалари (7; 13,5%) ва умуртқа-орқа мия травмалари (4; 7,7%), шунингдек чаноқ (3; 5,8%) ва оёқ-қўл (2; 3,8%) суяклари синган ҳолатлар билан бирга кузатилган. Оёқ-қўл ва қовурға суяқларининг биргаликда синиши ҳар бири 2 (3,8%) ҳолатни ташкил қилган.

Панкреатик шикастланиш даражасини интраоператив баҳолаш учун 1985 йилда таклиф қилинган D. Smego классификациясидан фойдаланилган<sup>5</sup>. Ушбу классификацияга кўра, кўпчилик беморларда шикастланишнинг оғирлиги I ёки II даража сифатида баҳоланди: паренхима шикастланмаган минимал лат ейиш ёки субкапсуляр гематома 16 (30,8%) беморларда (I-даража) аниқланди,

---

<sup>5</sup>Smego D.R., Richardson J.D., Flint L.M. Determinants of Outcome in Pancreatic Trauma. The Journal of Trauma. 1985;25(8):771-776.

без канали зарарланмаган холда паренхима ёрилиши (II-даража) 19 (36,5%) беморда ташхисланган. 11 (21,2%) беморда без каналининг шубҳали ёки мавжуд шикастланиши (III-даража) билан паренхиманинг чуқур ёрилиш, 6 (11,5%) беморда эса безнинг массив майдаланиши (IV-даража) кузатилган.


МОБнинг ёпиқ шикасти бўлган 52 беморда кўп холларда безнинг тана қисми шикастланган – 21 (40,4%), камроқ холларда эса безнинг дум қисми – 14 (26,9%) ва бошчаси – 11 (21,2%) шикастланган. Икки ёки ундан ортик анатомик зоналарни қамраб олган без паренхимасининг массив шикастланиши 6 (11,5%) беморда аниқланган.

МОБ травмаларида ташхисот ва даволаш учун видеолапароскопия 32 (61,5%) беморда қўлланилган. Ушбу аралашув учун асосий кўрсатмалар қуйидагилардан иборат бўлди: ички органлар зарарига шубҳа ва УТТ ёки КТ маълумотларига кўра қорин бўшлиғида эркин суюқлик мавжудлиги – 18 (56,3%) беморда, клиник кўриниш ноаниқ бўлиб перитонит шубҳаси – 8 (25,0%) беморда, шунингдек кўшма жароҳатлар ҳолатида «превентив лапароскопия» зарурати – 6 (18,8%) беморда.

Видеолапароскопия қилинган барча 32 нафар МОБ травмали беморда интраоперацион даврда қорин бўшлиғида турли ҳажмда эркин суюқлик аниқланган: жигар ости соҳасида ва талоқ атрофида – 24 (75,0%) беморда, кичик чанок бўшлиғида – 18 (56,3%) беморда. Фибриноз қопламалар ёки перитонитнинг бошланғич белгилари 12 (37,5%) беморда кузатилган, ретроперитонеал гематомалар (буйрак атрофи ёки МОБ худуди) – 16 (50,0%) беморда аниқланган. Бошқа органлар (жигар, талоқ, меъда, ичак) шикасти 10 (31,3%) беморда ташхисланган.

Видеолапароскопияни лапаротомияга ўтказиш 8 (25,0%) ҳолатда талаб қилинди. Конверсиянинг асосий сабаблари қуйидагилар бўлди: катта қорин орти гематомаси туфайли зарарланган жойни тўлиқ кўриб бўлмаслиги – 5 (15,6%) беморда, МОБ каналига сезиларли зарар бўлиши эҳтимоли, кенгроқ ташхис ва оператив аралашувни талаб қилувчи ҳолат – 2 (6,3%) беморда, шунингдек қон кетишнинг кучайиши ва тезкор жарроҳлик аралашувини талаб қилиниши – 1 (3,1%) беморда. Шу тариқа, МОБнинг ёпиқ травмаларида видеолапароскопиянинг муваффақиятлилик кўрсаткичи 75% (24/32) ни ташкил қилди. 2 беморда видеолапароскопия РШТЁИМ усули бўйича лапаропорт ўрнатиш билан тугалланиб, операциядан кейинги даврда динамик программалаштирилган фибролапароскопия учун ишлатилган (4-расм).

Панкреатик шикастланган 52 беморнинг 28 (53,8%) нафарида очик лапаротомия операциялари, шу жумладан 20 (38,5%) нафарида бирламчи лапаротомия ва 8 (15,4%) нафарида конверсияланган видеолапароскопия амалга оширилган. Бирламчи кенг лапаротомия (n=20) учун асосий кўрсатмалар диффуз перитонитнинг клиник кўриниши (8 ҳолат; 40%), 500 мл дан ортик ҳажмли гемоперитонеумнинг УТТ/КТ- белгилари (7; 35%), ошқозон ости безининг массив шикастланиши (3; 15%) ва катталашувчи ўсаётган ретроперитонеал гематома (2; 10%).



**4-расм. РШТЎИМ усули бўйича программаланган фибролапароскопияни бажариш схемаси: 1) мослашувчан эндоскоп, 2) лапаропорт, 3) қориннинг олд девори, 4) патология сохаси.**

Лапаротомиялар ( $n=28$ ) давомида МОБнинг массив майдаланиши 6 (21,4%) беморда аниқланган, асосий панкреатик каналга зарар билан бирга безнинг ёрилиши – 11 (39,3%), юзаки ёрилишлар – 9 (32,1%) ва 2 (7,1%) ҳолатда ёрилишларсиз капсула ости гематомаси аниқланган. Шунингдек, қўшма шикастланишлар қуйидагича қайд этилган: жигар – 3 (10,7%), талоқ – 2 (7,1%), 12 б/и – 1 (3,6%) беморда.

I–II даражали зарарланган беморларда ( $n=11$ ) операциялар органи сақловчи характерда ўтказилган. 6 (54,5%) ҳолатда МОБ паренхимасининг юзаки ёрилган жойлари тикилиб, зарарланган соха дренажланган. 3 (27,3%) беморда капсула ости гематомаси мавжуд бўлгани учун гематома аспирация ва санация қилинган, дренажланган. 2 (18,2%) ҳолатда капсуланинг кичик ёрилишларида капсула тикилиб, панкреатик секреция тўпланишини олдини олиш учун бир вақтда ташқи дренаж ўрнатилган (5-жадвал).

III–IV даражали зарарланган, МОБ паренхимасининг ёрилган ёки майдаланган ҳолатларида ( $n=17$ ) ҳаётий бўлмаган тўқималар резекция қилинган. Орган танаси ёки дум қисми зарарланганда 3 (10,7%) беморда корпорокаудал резекция бажарилиб, оментобурсостома шакллантирилган. Дум қисми резекцияси 2 (7,1%) беморда амалга оширилган. Асосий панкреатик канал зарарланиши билан чуқур ёрилган ҳолатларда 2 (7,1%) беморда канал ва без паренхимасига чоклар қўйилган. 4 (14,3%) беморда панкреатик секрецияни чиқариш мақсадида зарарланган сохага ташқи дренаж қўйилган. 1 (3,6%) ҳолатда канални тиклаш имконияти йўқлиги туфайли ташқи панкреатик найча қўйилган (5-жадвал).

**Очиқ операцияларда ошқозон ости безидаги аралашувларнинг  
хусусияти ва ҳажми, n=28**

Операция тури	Беморлар сони	
	Абс.	%
Оментобурсостомия шаклланиши билан корпорокаудал резекция	3	10,7
МОБ дум қисми резекцияси	2	7,1
Безнинг канали ва паренхимасига чоклар қўйиш	2	7,1
Ошқозон ости беzi каналини ташқи дренажлаш	1	3,6
Некрэктомия	5	17,9
Паренхиманинг юзаки ёрилишларини тикиш	6	21,4
Субкапсуляр гематомани олиб ташлаш	3	10,7
Капсулани тикиш	2	7,1
Шикастланган жойни ташқи дренажлаш	4	14,3


Шунингдек, жигар ва талоқ қўшма шикастланган ҳолатида 2 (7,1%) беморда талоқ олиб ташланган (спленэктомия) ва 1 (3,6%) беморда жигарнинг ёрилган жойлари тикилган. МОБнинг бошча қисми зарарланган 2 (7,1%) ва 12 б/и зарарланган 1 (3,6%) беморда холецистэктомия қилиниб, Пиковский усули бўйича холедох ташқи дренажланган. Шунингдек, ўн икки бармоқ ичак зарарланган беморда ичак дефекти тикилиб, зарарланган сохага дренаж қўйилган.

Буйрак ёпиқ травмаларида асоратлар учраш жиҳатидан 17,1% ни ташкил қилса, ёпиқ МОБ травмаларида операциядан кейинги асоратлар кўрсаткичи юқори бўлиб, 57,1% (16/28) ни ташкил қилади. Асоратлар структурасида маҳаллий чегараланган яллиғланишлар устун бўлган: операциядан кейинги жароҳат йиринглаши – 5 беморда, инфекцияланган панкреонекроз – 3 беморда, қорин ичи абсцесслари – 2 беморда ва ташқи панкреатик оқма – 1 беморда қайд этилган.

Қорин ичи абсцессларининг 2 ҳолати лапароскопик санация ва йирингли бўшлиқларни дренажлаш орқали муваффақиятли бартараф қилинган. 1 беморда ташқи панкреатик оқма операциядан сўнг 28-кунга келиб ўз-ўзидан ёпилган.

Жами асоратлар структурасида пневмония ва оғир респиратор дистресс синдроми (ОРДС) устун бўлган, бу 4 беморда кузатилган ва оғир қўшма БМЖ, қовурғалар синиши ва узоқ давом этган ўпкаларнинг сунъий вентилляцияси билан боғлиқ бўлган. 2 беморда ўткир миокард инфаркти ва полиорган етишмовчилиги рўй берган. 1 ҳолатда операциядан кейинги даврда оғир бош мия травмаси фониди мия шишиши ва дислокацияси клиникаси ривожланган, натижада ўлим ҳолати юз берган. МОБ зарарланган беморларда операциядан кейинги умумий ўлим кўрсаткичи 14,3% (4/28) ни ташкил қилган. Ўлимнинг бевосита сабаблари: полиорган етишмовчилиги – 2, сепсис – 1 ва оғир БМЖ – 1 ҳолат бўлган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида “МОБнинг ёпиқ травмаларида хирургик даволаш тактикаси ва беморларни йўналтириш принциплари алгоритми” ишлаб чиқилган (5-расм). Таклиф этилган алгоритмнинг марказий нуқтаси жабрланган беморнинг гемодинамик кўрсаткичларини баҳолашдан иборат: яъни, эҳтимолий интраабдоминал фожиавий ҳолат белгиларини (перитонеал симптомлар, FAST(+)/эркин суюқлик, ривожланувчи анемия, лактатнинг ошиши) кузатилса, фавқулодда лапаротомия (имконият бўлса – видеолапароскопия) бажариш, катта чарви халтаси ва I зона ревизияси амалга оширилади. Барқарор беморларда FAST/УТТ ўтказилади, РШТЁИМ ва унинг минтақавий филиалларида – контрастли МСКТ; КТга туман даражасида имконият бўлмаса – бемор ҳолатини барқарорлаштириш ва босқичма-босқич йўналтириш амалга оширилади.



**Йўналтириш:** МСКТ мавжуд бўлмаган шифохона: стабилизация, FAST/УТТ → ҳолати турғун бўлса МСКТ учун РШТЁИМ филиалига юбориш ва ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш; ҳолати нотурғун бўлса – жойида damage-control билан лапаротомия ва кейинчалик РШТЁИМ филиалига йўналтириш.

**5-расм. Меъда ости безининг ёпиқ шикастланишида хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритми ва йўналтириш тамойиллари.**

Таклиф этилган схемага кўра, интраоперацион тактика МОБ травматизация оғирлигига қараб I–IV даражага бўлинган: I даража – консерватив даволаш (очлик (NPO), анальгезия, инфузион терапия; кўрсатма бўлса лапароскопик дренажлаш); II даража – ёрилган жойни тикиш; III даража – асосий найчада оқимни тиклаш билан органни сақловчи аралашувлар ёки дистал резекция; IV даража – damage-control стратегияси, кенг дренажлаш ва ҳаётий кўрсатма бўлса босқичма-босқич реконструкция (5-расм). Бу ёндашув йўналтириш ва қарор қабул қилишни стандартлаштириб, найча травматизация тезроқ тасдиқлашга ва хавфсизликка зарар келтирмаган ҳолда хирургик агрессияни камайтиришга ёрдам беради.

Диссертациянинг «**Ўн икки бармоқ ичакнинг травматик зарарланиши**» деб номланган тўртинчи бобда, 12 б/и нинг қорин орти қисми зарарланган 27 беморда хирургик даволаш натижалари ўрганилган, улар орасида эркаклар 18 (66,7%), аёллар 9 (33,3%) нафарни ташкил қилган. Беморлар орасида мутлақ кўпчилик – 23 (85,2%) киши – ижтимоий ва жисмоний фаол ёшдаги шахслар (19–60 ёш) бўлган.

Тез тиббий ёрдам бригадалари томонидан 17 (63,0%) жабрланган беморлар ташилган, 8 (29,6%) киши ўзлари мурожаат қилган, 2 (7,4%) бемор бошқа даволаш муассасаларидан кўчирилган. Беморларни қабул қилиш муддатини таҳлил қилиш орқали госпитализациянинг кечиккани аниқланди. Шунингдек, травма олинганидан кейинги биринчи 6 соатда фақат 6 (22,2%) бемор стационарга қабул қилинган, 6–24 соат оралиғида – 18 (66,7%), ва 24 соатдан кейин – 3 (11,1%). Шу тариқа, 12 б/и зарарланган ҳолатларда 77,8% ҳолатда госпитализация кечиккан, бу ушбу турдаги травмаларни эрта ташхисотида жиддий қийинчиликлар мавжудлигини кўрсатади.

Ўн икки бармоқ ичакнинг ёпиқ травмалари механизмининг умумий структурасида энг кўп учрагани – йўл-транспорт ҳодисалари бўлиб, 17 (63,0%) жабрланганларда қайд этилган. Энг кўп учраган иккинчи сабаб – баландликдан тушиш, 5 (18,5%) беморда. Кейин эса уришиш натижасидаги жароҳатлар – 2 (7,4%) беморда қайд қилинган. Яқка ҳолатлар орасида спорт травмалари, ишлаб чиқаришда оғир буюм билан босиб қолиш ва ЭПСТ жараёнида ятроген травмалар билан боғлиқ 12 б/и нинг қорин орти қисми шикастлари кузатилган.

Ўн икки бармоқ ичакнинг ёпиқ травмалари билан жабрланган беморларнинг кўпчилигида (85,2%) клиникага қабул қилинганда турли даражадаги травматик шок қайд этилган, энг кўп учрагани I ва II даражали шок бўлиб, 16 (59,3%) беморда кузатилган. III даражали шок 6 (22,2%) беморда кузатилган, оғир IV даража шок эса 1 (3,7%) ҳолатда қайд этилган. Шок белгисиз ҳолатда клиникага 4 (14,8%) бемор қабул қилинган.

Барча 27 беморларда қорин бўшлиғи УТ текшируви ўтказилган. Қорин бўшлиғида суюқлик 21 (77,8%) беморда, плевра бўшлиғида – 2 (7,4%) ва қорин орти гематомаси – 1 (3,7%) беморда аниқланган. Шу тариқа, 12 б/и травмаларида УТТнинг умумий информативлиги 88,9% ни ташкил қилган.

Аммо ушбу текширув усули дуоденал травмаларда патогномоник сонографик белгиларга эга эмас.


Ўн икки бармоқ ичакнинг ёпиқ травмалари бўлган 20 (74,1%) нафар беморда рентгенологик текширув ўтказилган. Рентгенда энг кўп учрагани – 65,0% ҳолатда 12 б/и нинг кенгайиши (6-расм), бу шиш ёки гематома туфайли қисман дуоденостазни кўрсатган. Ҳолатларнинг ярмида (10 бемор) рентгенда ретропневмоперитонеум белгилари аниқланган (7-расм), бу 12 б/и девори ёрилганини ва газнинг қорин орти бўшлиғига кирганини кўрсатган. 8 (40,0%) беморда 12 б/и проекциясида контрастнинг кечикиши қайд этилган (8-расм), 7 (35,0%) беморда ичакнинг позицияси ва контури ўзгариши, эҳтимол қорин орти гематомаси ёки суюқлик тўпланиши билан боғлиқ бўлган. 12 б/и чегарасидан ташқари контраст экстравазацияси 6 (30,0%) ҳолатда аниқланган, бу девор дефекти мавжудлигини тасдиқлаган. Посттравматик парез рентгенда 12 б/и проекциясида горизонтал суюқлик сатҳи пайдо бўлиши билан намоён бўлиб, 5 (25,0%) беморда қайд этилган. Рентгеноскопияда ичак девори контур дефекти 4 (20,0%) беморда аниқланган.



**6-расм.** Ошқозон ва 12 б/и нинг барий сульфат контрастли рентгенографияси: контраст экстравазацияси билан проксимал 12 б/и нинг кенгайиши.



**7-расм.** Натив рентгенограмма: ретроперитонеум.



**8-расм.** Барий сульфат контрастли меъда ва 12 б/и рентгенографияси: контрастни 12 б/и да туриб қолиши (позитив тасвир).

Дуоденал травмага шубҳа туғилганда ташхис самарадорлигини ошириш мақсадида 12 б/ичакка назогастрал зонд орқали сувда эрийдиган контраст модда киритилган, бу 10 беморда орган чегарасидан ташқари контраст чиқишини аниқлаш имконини бериб, ичак девори дефекти мавжудлигини тасдиқлаган. Шунингдек, ушбу усул қорин орти бўшлиғида ҳаво ва қонни аниқлашда энг сезгир усул ҳисобланади. 12 б/и травмалари ташхисида энг информатив усул МСКТ бўлиб, унинг умумий информативлиги 90,0% ни ташкил қилган.

Ўн икки бармоқ ичак ёрилишининг патогномоник рентгенологик белгиси, яъни ичак контури чегарасидан ташқари контраст экстравазацияси операциядан олдин 10 (37,0%) беморда МСКТ орқали ва 6 (22,2%) беморда

контрастли рентгенографияда аниқланган. Қолган 11 (40,7%) ҳолатда 12 б/и шикасти интраоперацион тарзда, шу жумладан 5 (18,5%) беморда диагностик лапароскопия орқали ташхисланган.

Ўн икки бармоқ ичакнинг ёпиқ травмаси ҳолатида 4 (14,8%) беморда кўкрак қафаси аъзоларининг қўшма шикастланишлари, 3 (11,1%) беморда бош мия травмаси, 2 (7,4%) беморда оёқ-қўл суяклари синиши ва 1 (3,7%) беморда чап диафрагма гумбази ёрилганлиги аниқланган.

Ўн икки бармоқ ичакнинг ёпиқ травмаси ҳолатида кўпчилик беморларда хирургик аралашув биринчи 12 соат ичида ўтказилган. Шунингдек, 14 (51,9%) беморда катта миқдордаги гемоперитонеум ва 12 б/и ёрилишини кўрсатувчи рентген ва МСКТ белгилари (контраст экстравазацияси) бўлгани сабабли операция биринчи 6 соатда бошланган. 6 (22,2%) беморда операция қабул қилинишдан кейинги 6–12 соат оралиғида бажарилган. 4 (14,8%) беморда клиникага тушганда ички органлар шикасти аниқ бўлмаган, аммо динамик кузатиш ва қўшимча текширувлар натижасида хирургик кўрсатма пайдо бўлган ва операция 12–24 соат оралиғида ўтказилган. Бошқа тиббий муассасалардан кўчирилган 3 (11,1%) беморда операция травма олинган вақтдан 24 соатдан кейин амалга оширилган.

Ўн икки бармоқ ичакнинг ёпиқ травмаси бўлган 27 бемордан 21 (77,8%) нафарида дуоденал ёки бошқа қорин орти шикастининг аниқ клиник, УТТ, рентген ёки МСКТ белгилари мавжуд бўлиб, операция кенг лапаротомиядан дарҳол бошланган. Қолган 6 (22,2%) ҳолатда, қорин орти ва қорин орти бўшлиғи аъзолари шикастига оид ташхис белгиларининг шубҳали бўлгани сабабли операция диагностик лапароскопиядан бошланган. Лапароскопик ревизияда 5 беморда 12 б/и деворида маҳаллий шиш ва қалинлашиш, 4 беморда сероз қаватга қон қуйилиш ва 1 беморда 12 б/и атрофида қорин орти гематомаси аниқланган. Ушбу ўзгаришлар органни тўлиқ ревизия қилиш ва зарур хирургик аралашувни амалга ошириш мақсадида кенг лапаротомияга конверсия қилиш учун асос бўлган.

Интраоперацион ревизия орқали 12 б/и шикасти таҳлил қилинганда, пилорик ва пиёзча қисм даражасида – 3 (11,1%) беморда; юқори горизонтал қисм даражасида (D1) – 2 (7,4%) беморда; пастга тушувчи қисмда, катта дуоденал сўрғичдан юқори (D2) – 17 (63,0%) беморда; қуйи горизонтал қисмда (D3) – 4 (14,8%) беморда ва дуоденоеюнал қисмда (D4) – 1 (3,7%) беморда аниқланган.

Ўн икки бармоқ ичакнинг ёпиқ травмаси оғирлигини интраоперацион баҳолашда 1994 йилдаги ААСТ (Америка шикастлар хирургияси ассоциацияси) шкаласи<sup>6</sup> қўлланилган, унда травма механизми, локализацияси ва шикастларнинг комбинацияси инобатга олинади. Ушбу шкалага кўра 12 б/и шикасти 5 даражага бўлинади. Бизнинг кузатувларимизда 12 б/и шикастлари орасида энг кўп учрагани III даража бўлиб, 9 (33,3%) беморда пасга тушувчи бўлим (D2) айланаси 50–75% ёрилган ёки бошқа бўлимлар (D1, D3, D4)

---

<sup>6</sup>Lin L., Stain S. C., Salim A. Duodenal Trauma //Bailey & Love's Essential Operations in Hepatobiliary and Pancreatic Surgery. – 2024. – С. 195-201.

айланаси 50–100% зарарланган. Иккинчи ўринда IV даража шикастлар (7; 25,9%) қайд этилган, уларда пасга тушувчи бўлим айланаси >75% ёрилган ва Фатеров сўрғичи ампуласи зарарланган. Камроқ ҳолатларда V даража шикастлар (3; 11,1%) аниқланган, уларда массив панкреатодуоденал травма ва 12 б/и деваскуляризацияси мавжуд бўлган. Шунингдек, I ва II даражали шикастлар (мос равишда 18,5% ва 11,1%) ҳам қайд этилган, уларда гематомалар ва деворнинг қисман ёрилган жойлари мавжуд бўлган.

Ўн икки бармоқ ичакнинг I–II даражали травмаларида (n=8) хирургик аралашув тактикаси шикаст ҳажми ва девор гематомаси барқарорлигига қараб белгиланган. 4 беморда 12 б/и деворининг изоляцияланган катталашмайдиган гематомаси бўлиб, операция органни визуал кўриб чиқиш ва пальпация билан тугалланиб, назодуоденал зонд қўйилган, қорин орти бўшлиғини қўшимча дренажлашга эҳтиёж бўлмаган. 4 ҳолатда 12 б/и девори қисман ёрилган (I даражада ичак айланасининг 1/3 қисми, 1–1,5 см; II даражада 50% айланаси), бунда 12 б/и Кохер бўйича мобилизация қилиниб, тўлиқ ревизия амалга оширилган. Дефектлар икки қаторли чоклар билан ушланган ва перитонизация қилинган, шунингдек барча ҳолатларда қорин орти бўшлиғини дренажланган ва назодуоденал зонд қўйилган.

III даража 12 б/и шикастида (n=9), ёрилган қисм ичак айланасининг 50–75% ни ташкил қилган, хирургик тактика индивидуал равишда белгиланган. 5 ҳолатда резекциясиз дефектни тикиш имкони бўлган, шу жумладан 3 беморда чок соҳасига юкни камайтириш мақсадида қўшимча равишда Вельфлер-Браун усулида химоявий гастроэнтероанастомоз шакллантирилган. 4 ҳолатда, ёрилган соҳа пилорус ҳудудига тўғри келган ёки ичак бўшлиғининг торайишига сабаб бўлган ҳолларда, Гейнеке-Микулич усулида пилоропластика бажарилган (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### Ўн икки бармоқли ичакнинг ёпиқ жароҳатларида бажарилган операцияларнинг ҳажми ва хусусияти (n=27)

Операция хусусияти	Беморлар сони	
	Абс	%
Ўн икки бармоқли ичак ревизияси, гематомани чиқариш	4	14,8
Ўн икки бармоқли ичакнинг яхлитлигини тиклаш	21	27,8
– 12 б/и нуқсонини тикиш	6	22,2
– Гейнеке-Микулич бўйича пилоропластика	4	14,8
– 12 б/и нуқсонини тикиш + ГЭА	4	14,8
– 12 б/и реконструкцияси + ДЭА	6	22,2
– 12 б/и нуқсонини тикиш + ГЭА + Ру гепатикоеюностомияси	1	3,7
Панкреатодуоденал резекция	1	3,7
Дуоденэктомия + ГЭА	1	3,7

Изоҳ: ГЭА – гастроэнтероанастомоз, ДЭА-дуоденоэнтероанастомоз.

IV даражали 12 б/и шикастида (n=7), ёрилган қисм ичак айланасининг 75% дан ошиши ва Фатеров сўрғичи ампуласи зарари билан боғлиқ ҳолларда қуйидаги хирургик аралашувлар амалга оширилган: 5 ҳолатда 12 б/и реконструкцияси бажарилган ва узун қовузлокда Браун кўприкчаси билан

“ёнбош-ёнбош” дуоденоеюнал анастомоз қўйилган. 1 ҳолатда, МОБ бошча қисми зарарланган ва массив панкреонекроз йўқ ҳолатда, зарарланган МОБ қисми қирғоқли резекция қилинган, 12 б/и дефекти икки қаторли чоклар билан тикилган, айланиб ўтувчи гастроеюнал анастомоз қўйилган ва қорин орти бўшлиғи дренажланган. Яна холедох узилиши ва IV даражали 12 б/и ёрилиши мавжуд бўлган 1 беморда Ру-қовузлоқ бўйича гепатикоеюностомия амалга оширилган ва енгиллаштирувчи гастроеюнал анастомоз қўйилган (6-жадвал).

Энг оғир V даража 12 б/и шикастида (n=3) кенгайтирилган ва мураккаб хирургик аралашувлар талаб қилинган: Бир беморда, МОБ бошчасининг массив шикасти ва ёрилиш 12 б/ичакка давом этган ҳолатда, панкреатодуоденал резекция амалга оширилган. Иккинчи беморда, 12 б/и чуқур ёрилган, лекин унинг проксимал қисми сақланган ҳолатда, “охирини-ёнбошга” тамойили бўйича дуоденоеюноанастомоз билан реконструкция бажарилган ва ичакнинг дистал қисми ажратилган. Учинчи беморда, 12 б/и тўлиқ деваскуляризацияланган ҳолатда, дуоденэктомия ва гастроэнтероанастомоз шакллантирилган (6-жадвал).

Операция давомида 5 (18,5%) беморда 12 б/и нинг изоляцион шикасти аниқланган, қолган 22 (81,5%) ҳолатда дуоденал травма қорин орти ва қорин орти бўшлиғи бошқа органлари шикасти билан боғлиқ бўлган. Энг кўп учраган шикастлар: Буйрак ёрилиши – 7 (25,9%) беморда; МОБ шикасти – 6 (22,2%) беморда; Жигар травмаси – 4 (14,8%) беморда; шунингдек, талоқ ёрилиши – 3 (11,1%), ҳазм тракти шикасти – 2 (7,4%), меъда – 2 (7,4%) ва ўт пуфағи – 2 (7,4%) ҳолатлари қайд этилган. Биттадан ҳолатда (3,7%) оч ичак ва пастки ковак венасининг қўшма шикастланиши аниқланган. Буйрақлар шикастланишида (n=7) хирургик тактика уларнинг оғирлигига қараб белгиланган: субкапсуляр гематома мавжуд паренхима ёрилмаган 1 беморда ортиқча аралашувсиз фақат буйрак ревизияси ва динамик кузатиш амалга оширилган. 4 беморда II–III даража AAST (2018) шикастлари билан ёрилишни тикиш ва буйракни сақлаб қолиш амалга оширилган. Паренхима катта даражада зараланган ва массив қон кетиши кузатилган 2 ҳолатда, нефрэктомия амалга оширилган.

МОБ нинг қўшма шикастланишларида (n=6) аралашув ҳажми ҳам шикастланиш оғирлигига боғлиқ бўлди: паренхима зарарланмаган ва субкапсуляр гематома мавжуд бўлган 1 беморда даволаш тампонада ва қорин орти бўшлиғини дренажлаш билан чекланган. 3 ҳолатда капсула тикилган ва панкреатик окманинг олдини олиш мақсадида ташқи дренаж қўйилган. 2 кузатувда – 12 б/и ва МОБнинг оғир қўшма шикастланишида, бир ҳолатда МОБ дум қисми резекция қилинган, иккинчи ҳолатда оментобурсостома шакллантирилган.

Жигар шикастланиши (n=4) турли даражада қон кетиши ва паренхима шикасти билан кузатилган. 3 ҳолатда юзаки ва чизикли ёрилган жигар нуқсонлари тикилган, 1 ҳолатда эса, чуқур ёрилган сохага П-симон чоклар қўйилган ва қўшимча равишда катта чарви билан тампонада амалга оширилган. Талоқ шикастида (n=3) фақат 1 ҳолатда орган сақланган ва

гемостаз аргоно-плазма коагуляцияси ва Тахокомб гемостатик губка қўлланиши орқали таъминланган. Қолган 2 ҳолатда паренхима массив зарарлангани ва назоратсиз қон кетиши сабабли спленэктомия амалга оширилган. 12 б/и ёрилиши меъда деворига ўтган (n=2) ҳолатда чизиқли ёрилишлар тикилган, резекция талаб қилинмаган. Ўт пуфаги девори шикастланган иккита ҳолатда ҳам холецистэктомия бажарилган. Оч ичак девори қўшма шикастланган биргина ҳолатда девор нуқсони тикилган. Пастки ковак венаси қўшма шикастида қон томир деворидаги нуқсонга ёнбош чоклар қўйилиб, қон кетиши тўхтатилган ва ўтказувчанлик сақланган. Битта ҳолатда 12 б/и ёрилишини тикиш диафрагма нуқсонини тикиш билан бирга бажарилган.

Операциядан сўнг асоратлар 27 бемордан 11 (40,4%) нафарида ривожланган, шундан 7 беморда бир нечта асоратлар бир вақтда қайд этилган. Специфик асоратлардан 12 б/и нуқсонига қўйилган чоклар етишмовчилиги – 2 ҳолатда, ичаклараро анастомоз чоклари етишмовчилиги – 1 ҳолатда, интраабдоминал қон кетиши – 1 ҳолатда, ретроперитонеал флегмона – 2 ҳолатда ва панкреонекроз – 2 ҳолатда кузатилган. Умумий асоратлар орасида энг кўп учраганлари: пневмония ва ОРДС – 10 ҳолат, полиорган етишмовчилиги синдроми – 3 ҳолат, шунингдек, оғир миокард инфаркти – 1 ҳолат.

Реллапаротомия 5 беморда амалга оширилган, унинг асосий сабаблари 12 б/и нуқсонига қўйилган чоклар етишмовчилиги (2 ҳолат), анастомоз чоклари етишмовчилиги (1 ҳолат) ва жароҳат соҳасидан аррозив қон кетиши (2 ҳолат) бўлган.

Ўн икки бармоқ ичакнинг ёпиқ шикастланишларида, бизнинг кузатувларимизда операциядан кейинги қайд этилган ўлим кўрсаткичи 33,3% (9/27) ни ташкил этди. Операциядан кейинги биринчи суткада травматик шокдан 2 бемор вафот этган. Операциядан кейинги 8–12 кунларда перитонит авжланиши сабабли 4 бемор вафот этган. Операциядан кейинги кечки даврларда кенг тарқалган қорин орти флегмонаси ва унинг оқибатлари (сепсис ва полиорган етишмовчилиги синдроми) сабабли 1 бемор, панкреонекроз ва аррозив қон кетиши туфайли 1 бемор ва ўткир миокард инфаркти ҳисобига 1 бемор, жами 3 бемор вафот этган.

## ХУЛОСА

1. Қоринпарда орти бўшлиғи аъзоларининг ёпиқ жароҳатлари қорин бўшлиғидаги жароҳатларнинг 17,2% ни ташкил қилади. Шикастланишларнинг етакчи механизмлари йўл-транспорт ҳодисалари (54,7%) ва баландликдан тушиш (31,8%) ҳисобланади. Кўпинча буйраклар изоляцияланган ва қўшма шикастлар кўринишида буйраклар (67,2%), камроқ меъда ости беши (27,1%) ва ўн икки бармоқли ичак (13,5%) шикастланади. ҚОБАЁЖ 43,8% ҳолларда бошқа анатомик соҳаларнинг, асосан қорин бўшлиғи (26,6%) ва кўкрак қафаси (16,7%) шикастланиши билан бирга келади. Беморларнинг аксарияти оғир (36,5%) ёки ўта оғир (8,3%) ҳолатда

шифохонага ётқизилади ва 23,9 фоизида хуш бузилади. ҚОБАЁЖ белгиларининг аста-секин ривожланиши туфайли шикастланганларнинг 72,4 фоизи жароҳатдан кейин 3 соатдан кўпроқ вақт давомида шифохонага ётқизилади, бу ўртача 6,6 ва 7,5 соатни ташкил қилади.

2. Ёпиқ буйрак шикастланишларида УТТнинг ташхисот имкониятлари чекланган бўлиб, энг информатив усул МСКТ ҳисобланади. Унинг ёрдамида шикастланиш даражаси, қон томирлар ҳолати, паренхима ва давом этаётган қон кетиш мавжудлигини батафсил баҳолаш мумкин. I–II даражали шикастланишлар 51,2% ҳолларда, III даражали – 26,4% да, IV–V даражали шикастланишлар эса 22,4% ҳолларда аниқланади. Бу эса консерватив ва органни сақловчи хирургик даволаш кўрсатмаларини кенгайтириш ҳамда нефрэктомияга кўрсатмаларни қатъийроқ чеклаш зарурлигини асослайди. МСКТ асосида шикастланиш оғирлигини аниқлаб, персоналлаштирилган даволаш тактикасини танлаш нефрэктомия самарадорлигини 17,8% гача камайишига хизмат қилади.

3. Меъда ости безининг ёпиқ шикастланишларида УТТ ва МСКТ орқали қорин парда орти бўшлиғидаги гематомалар ва қорин бўшлиғидаги эркин суюқликни аниқлаш мумкин, бу ҳолда МСКТнинг аниқлиги юқорироқ. Видеолапароскопия 61,5% ҳолларда қўлланилади ва унинг самарадорлиги 75% ни ташкил қилади. Жабрланувчиларнинг 71,2% да кўшма шикастланишлар аниқланади, энг кўп учрайдиганлари — буйрак (19,2%) ва жигар (17,3%) шикастланишлари. I–II даражали МОБ шикастланишларида минимал инвазив усулларга афзаллик берилади, III–IV даражали шикастланишларда эса резекцион ва тиклаш операциялари талаб қилинади. Операциядан кейинги асоратлар 57,1% ни, ўлим ҳолати эса 14,3% ни ташкил қилади.

4. Ўн икки бармоқ ичак шикастланишларида 77,8% ҳолатларда беморлар кечикиб госпитализация қилинган бўлиб, бу ушбу тоифадаги шикастланишларни эрта аниқлашдаги жиддий қийинчиликларни кўрсатади. УТТнинг информативлиги 88,9% ни ташкил этади, бироқ аниқланадиган сонографик белгилари дуоденал шикастланиш учун патогномоник ҳисобланмайди. Энг информатив ташхис усули МСКТ бўлиб, унинг умумий информативлиги 90,0% га етади. Интраоператив энг кўп учрайдиган 12 б/и шикастланишлари – III даража 33,3%ни, IV даража 25,9% ни ва II даража 18,5% ни ташкил этган; I ва V даражали шикастланишлар нисбатан кам учраб, ҳар бири 11,1% ни ташкил қилган. Ушбу шикастланиш тури учун қорин бўшлиғи ва қорин орти бўшлиғи аъзоларининг кўшма шикастланишлари юқори учраш частотаси (85,2%) хос бўлиб, улар орасида энг кўп учрайдиганлари буйрак (25,9%), меъда ости бези (22,2%), жигар (14,8%) ва талоқ (11,1%) шикастланишларидир. Операциядан кейинги асоратлар частотаси 40,4% ни ташкил этади; 18,5% беморларда релапаротомия талаб қилинади, ўлим ҳолати эса 33,3% гача етади.

5. ҚОБАЁЖ асоратларнинг юқори учраш частотаси ва ўлим кўрсаткичининг сезиларли даражада юқорилиги билан тавсифланади. Кўшма

жароҳатлар улушининг юқорилиги (43,8%) ва беморларнинг катта қисмида тезкор жарроҳлик аралашувига эҳтиёж мавжудлиги мультидисциплинар ёндашувнинг муҳимлигини белгилайди. Натижаларни яхшилаш учун эрта ташхисот, ўз вақтида жарроҳлик аралашуви ва даволаш тактикасини танлашда индивидуал ёндашув талаб этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНОМ  
ЦЕНТРЕ ЭКСТРЕННОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР ЭКСТРЕННОЙ  
МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ**

**АЛИЖАНОВ АБРОР АЛИЖОН УГЛИ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ХИРУРГИЧЕСКОГО  
ЛЕЧЕНИЯ ЗАКРЫТОЙ ТРАВМЫ ОРГАНОВ ЗАБРЮШИННОГО  
ПРОСТРАНСТВА**

**14.00.40 – Экстренная медицина**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2025**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/Tib2022.

Диссертационная работа выполнена в Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи и в Наманганском филиале Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.emerg-centre.uz](http://www.emerg-centre.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный консультант:** Хаджибаев Абдухаким Муминович  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Миннуллин Ильдар Пулатович  
доктор медицинских наук, профессор  
Тулиганов Даврон Бахтиярович  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:** Бухарский государственный медицинский институт  
имени Абу Али ибн Сино

Защита диссертации состоится «29» 12 2025 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.04/3012.2019.Tib.63.01 при Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи (адрес: 100115, Ташкент, Чиланзарский район, ул. Кичик халка йули, 2. Тел.: (+99878) 1504600; факс: (+99878) 1504605; E-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи (зарегистрирована за № 14). Адрес: 100115, Ташкент, Чиланзарский район, ул. Кичик халка йули, 2. Тел.: (+99878) 1504600; факс: (+99878) 1504605.

Автореферат диссертации разослан «15» 12 2025 года.  
(реестр протокола рассылки № 14 от «15» 12 2025 года).



**Д.А.Алимов**  
Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Х.Э.Анваров**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по медицинским наукам, старший научный сотрудник

**Б.К. Алтыев**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире закрытые травмы органов забрюшинного пространства (ЗТОЗП) составляют до 15–20% от всех травм брюшной полости и являются серьёзной проблемой в экстренной хирургии<sup>1</sup>. Несмотря на значительные успехи в области диагностики и лечения, уровень диагностических ошибок при данной патологии остаётся высоким, достигая 30–40%, что связано с отсутствием явных клинических проявлений на ранних стадиях. Это приводит к поздней постановке диагноза, развитию тяжёлых осложнений и увеличению показателей летальности, которые могут достигать 50% при несвоевременном хирургическом вмешательстве<sup>2</sup>.

Согласно данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), ежегодно травмы занимают третье место среди причин смертности и становятся причиной около 5,8 миллионов летальных исходов, из которых значительная часть приходится на тяжёлые повреждения внутренних органов, включая органы забрюшинного пространства. Наибольший риск подобных повреждений наблюдается у лиц трудоспособного возраста, что делает данную проблему актуальной не только с медицинской, но и с социально-экономической точки зрения.

В нашей стране, согласно исследованиям, проведенным в Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи (РНЦЭМП), в структуре экстренных хирургических вмешательств по поводу абдоминальных травм ЗТОЗП занимают значительную долю, составляя 17,4%. При этом известно, что забрюшинная травма имеет самые высокие показатели смертности среди повреждений органов брюшной полости. Совершенствование диагностических алгоритмов, внедрение малоинвазивных хирургических методик и разработка индивидуализированных тактик лечения ЗТОЗП являются актуальными направлениями современной экстренной медицины и травматологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-5590 от 17 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-283 от 16 июня 2022 года «О совершенствовании системы оказания населению скорой медицинской помощи» и № ПП-5198 от 26 июля 2021 года «О мерах по дальнейшему повышению качества медицинской помощи, оказываемой населению», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI.

---

<sup>1</sup>Petrone P. et al. Approach and management of traumatic retroperitoneal injuries //Cirugía Española (English Edition). – 2018. – Т. 96. – №. 5. – С. 250-259.

<sup>2</sup>Navsaria P. et al. Retroperitoneal haematoma and injury // Abdominal Trauma, Peritoneum, and Retroperitoneum. – Oxford: Oxford University Press, 2022. – С. 41–С4.Р63. – DOI: 10.1093/med/9780192862433.003.0004.

«Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Травмы органов ЗП, такие как разрывы почек, поджелудочной железы (ПЖ), ретроперитонеальной части двенадцатиперстной кишки (ДПК), внебрюшинных отделов толстой кишки и сосудов, зачастую протекают бессимптомно или с минимальными клиническими проявлениями. Стандартные методы диагностики, включая ультразвуковое исследование (УЗИ), компьютерную томографию (КТ) и магнитно-резонансную томографию (МРТ), не всегда обеспечивают достаточную точность, особенно в условиях неотложной помощи<sup>3</sup>.

Несвоевременная диагностика и неправильный выбор тактики лечения могут привести к развитию тяжёлых осложнений – забрюшинных гематом, вторичного инфицирования, сепсиса, острого почечного повреждения и перитонита. По данным исследований, летальность при закрытых травмах органов ЗП варьирует в пределах 10–30%, достигая 50% при несвоевременной хирургической коррекции<sup>4</sup>.

Хирургическая тактика при закрытых травмах органов ЗП продолжает совершенствоваться. Развитие малоинвазивных технологий, таких как эндоскопическая и лапароскопическая хирургия, позволяет снизить операционную травматичность, уменьшить риск послеоперационных осложнений и сократить сроки реабилитации. Однако до сих пор остаются нерешёнными вопросы выбора оптимального метода оперативного вмешательства в зависимости от характера повреждений, степени гемодинамической нестабильности и наличия сопутствующих патологий.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ в РНЦЭМП по проекту ИСС-2017-6-2 «Внедрение способа наружной фиксации костных отломков множественных и флотирующих переломов ребер» (2017-2018 гг.).

**Целью исследования явилось** повышение эффективности лечения закрытых травм органов брюшинного пространства путём совершенствования диагностики, оптимизации выбора лечебной тактики и внедрения современных методов визуализации и хирургических технологий.

**Задачи исследования:**

определить частоту встречаемости закрытой травмы органов брюшинного пространства в структуре травм живота, выявить возрастно-половые особенности пострадавших, изучить основные механизмы травмирования, а также проанализировать клинические характеристики, сроки поступления и тяжесть состояния пациентов;

оценить диагностическую значимость различных методов исследования (УЗИ, МСКТ) при закрытых повреждениях почек, определить эффективность

---

<sup>3</sup>Nanavati A.J., Nagral S. (ed.). Abdominal Trauma, Peritoneum, and Retroperitoneum. – Oxford University Press, 2022.

<sup>4</sup>Navsaria P. et al. Retroperitoneal haematoma and injury //Abdominal Trauma, Peritoneum, and Retroperitoneum. – 2022. – С. 41.

консервативного и хирургического лечения в зависимости от степени повреждения, исследовать частоту послеоперационных осложнений и выявить факторы, влияющие на необходимость нефрэктомии;

выявить наиболее информативные методы диагностики закрытых повреждений поджелудочной железы, изучить тактику хирургического лечения в зависимости от степени повреждения, оценить эффективность видеолапароскопии и выявить частоту послеоперационных осложнений и их влияние на исход;

определить оптимальные методы диагностики закрытых повреждений двенадцатиперстной кишки, изучить тактику хирургического лечения в зависимости от степени повреждения, оценить влияние сочетанных травм на лечебную тактику и выявить основные причины послеоперационных осложнений.

**Объектом исследования** явились 192 больных с закрытой травмой органов брюшинного пространства (ЗТОЗП), проходивших лечение в Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи (РНЦЭМП) и его Наманганском филиале в период с января 2019 года по декабрь 2023 года, включая 129 пациентов с закрытой травмой почек, 52 пациента с закрытыми повреждениями ПЖ и 27 пациентов с травмой ДПК, из которых у 16 больных было диагностировано сочетанное повреждение указанных органов.

**Предмет исследования** составили результаты диагностики и лечения закрытых травм органов брюшинного пространства с использованием современных инструментальных методов визуализации (ультразвуковое исследование, мультислайсная компьютерная томография, видеолапароскопия) и различных подходов к хирургическому и консервативному лечению с учетом степени повреждения и сочетанных травм.

**Методы исследования.** В работе использованы клинические методы для анализа демографических и анамнестических данных пациентов с ЗТОЗП, инструментальные методы диагностики (включая МСКТ и видеолапароскопию) для оценки характера и тяжести травмы, анализ и систематизация собственного опыта консервативного и хирургического лечения этой категории пострадавших.

**Научная новизна диссертационного исследования:**

обоснованы характерные признаки клинического профиля пациентов с закрытой травмой органов брюшинного пространства, основанные на комплексном исследовании демографических и клинических характеристик пациентов, включая анализ возрастно-гендерной структуры, механизма травмы, факторов риска, сроков поступления и тяжести состояния;

обоснована диагностическая ценность и уточнены показания для мультислайсной компьютерной томографии (МСКТ) при закрытых травмах почек, ПЖ и ДПК, включая специфические КТ-признаки, позволяющие объективно оценить степень повреждений, выявить косвенные признаки брюшинных гематом и определить необходимость хирургического вмешательства;

определена прогностическая ценность частоты и структуры

послеоперационных осложнений и летальности для выбора хирургической тактики при различных степенях повреждения органов брюшного пространства, что позволило уточнить показания к органосохраняющим операциям и радикальным вмешательствам и предотвращения осложнений и смерти;

обоснована целесообразность и безопасность использования комплексного диагностического подхода, основанного на сочетании клинического осмотра, ультразвукового исследования, МСКТ и видеолапароскопии, что позволило повысить точность диагностики, снизить частоту диагностических ошибок и оптимизировать выбор лечебной тактики.

#### **Практическая новизна:**

для внедрения в клиническую практику отделений экстренной хирургии предложены рекомендации по диагностике и лечению ЗТОЗП, основанные на анализе диагностической значимости различных методов визуализации (УЗИ, МСКТ с контрастным усилением, видеолапароскопия) и выявлении наиболее эффективных подходов к выбору тактики лечения в зависимости от степени повреждения органа и состояния пациента;

определены ключевые подходы к использованию инструментальных методов диагностики, позволяющие сократить время постановки диагноза, повысить точность выявления повреждений почек, ПЖ и ДПК и снизить риск диагностических ошибок при экстренной хирургической помощи;

разработаны практические рекомендации по выбору хирургической тактики при ЗТОЗП, включая показания к органосохраняющим операциям и радикальным вмешательствам, что способствует снижению частоты послеоперационных осложнений и летальности;

предложены практические рекомендации по ведению пациентов с сочетанными травмами органов брюшного пространства, учитывающие влияние сочетанных повреждений на лечебную тактику и прогноз, что позволяет оптимизировать лечение и улучшить клинические исходы.

